

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН БАДИЙ АКАДЕМИЯСИ  
КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ РАССОМЛИК  
ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ**



**“ДАСТГОҲЛИ РАНГТАСВИР” КАФЕДРАСИ**

**ЧИЗМАТАСВИР ФАНИ БЎЙИЧА**

**ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУАСИ**


|                  |         |   |                        |
|------------------|---------|---|------------------------|
| Билим соҳаси:    | 100 000 | – | Гуманитар фанлар       |
| Таълим соҳаси:   | 150 000 | – | Санъат                 |
| Таълим йўналиши: | 5150800 | – | Рангтасвир (дастгоҳли) |

**Тошкент 2018**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ**

**КАМОЛИДДИН БЕХЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ РАССОМЛИК  
ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ**



“Тасдиқлайман”

Ўқув ишлари бўйича проректор

Б.Хаджиметов

30 август 2018 йил

**ТАСВИРИЙ САНЪАТ ФАКУЛЬТЕТИ**

**“ДАСТГОҲЛИ РАНГТАСВИР” КАФЕДРАСИ**

**5150800 – РАНГТАСВИР (ДАСТГОҲЛИ)**

**ЧИЗМАТАСВИР**  
фанининг

**ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУАСИ**

**Тошкент 2018**

Ўқув услубий мажмуа Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан 2017 йил 25 август даги 355 -сонли буйруғи билан тасдиқланган фан дастури асосида ишлаб чиқилган.

**Тузувчилар:**

Аджиметов Қ.- К.Бехзод номидаги МРДИ, “Дастгоҳли рангтасвир” кафедраси доценти.


**Такризчилар:**

Д.А.Назилов - ТАҚИ, профессори, архитектура фанлари доктори, профессор  
Абдуллаев С.А. - МРДИ “Дастгоҳли рангтасвир” кафедраси профессори, академик, Ўзбекистон республикасида хизмат кўрсатган санъат арбоби


Ўқув услубий мажмуа “Дастгоҳли рангтасвир” кафедрасининг 2018 йил 28 август даги 1 -сонли мажлисида муҳокама қилинган.

Кафедра мудири :  Э.Хайтов

Ўқув услубий мажмуа Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти Тасвирий санъат факультети Кенгашида муҳокама этилган ва нашрга тавсия этилган (2018 йил 24 август № 1 -сонли баённома).

Факультет кенгаши раиси:  А.А.Юсупов

Ўқув-услубий мажмуа Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ўқув услубий Кенгашининг 2018 йил “29” август даги 11 -сонли қарорига мувофиқ ўқув жараёнига татбиқ этиш учун тавсия этилган.

Ўқув бўлими бошлиғи:  Қ.Қодиров

МРДИ, 2018 йил

## М У Н Д А Р И Ж А

| №        | Бўлимлар                                  | Бет.         |
|----------|-------------------------------------------|--------------|
| <b>1</b> | <b>Ўқув материаллари</b>                  | <b>5</b>     |
| 1.1      | Маъруза матнлари                          | 5-34         |
| <b>2</b> | <b>Мустақил таълим машғулоти</b>          | <b>35-36</b> |
| <b>3</b> | <b>Глоссарий</b>                          | <b>37-42</b> |
| <b>4</b> | <b>Иловалар</b>                           | <b>43</b>    |
| 4.1      | Фан дастури                               | 43-56        |
| 4.2      | Ишчи фан дастури                          | 57-63        |
| 4.3      | Тарқатма материаллар                      | 64-69        |
| 4.4      | Тестлар                                   | 70           |
| 4.5      | Баҳолаш мезонлари                         | 71           |
| 4.6      | Ўқув-услубий мажмуанинг электрон варианты | 72           |

# **1. Ўқув материаллари.**

## **1.1. Маъруза матнлари**

### **Либоссиз яримқомат таҳлили**

#### **1. Мавзу: Қўл, оёқ тасвири (эркак ёки аёл киши) анатомик таҳлили билан.**

**(Кекса чайир киши, конструктив ечимда, тахминий чизма, сунъий ёруғликда)**

### **РЕЖА**

#### **1. Қўл ва оёқ чизматасвири**

#### **2. Композицион жойлаштириш, қуриш**

#### **3. Тус муносабатлари нисбатини аниқлаш**

**Қўл ва оёқ чизматасвири.** Чизматасвирда инсон қоматини ва бошни хусусан ўрганиш билан бир қаторда, қўл ва оёқ панжалари чизматасвирини ўрганиш ҳам назарда тутилади.

Қўл ва оёқ панжалари мураккаб шаклдан иборат, уларнинг маълум маънода ички суяк ва мускуллар қурилмасини билмай туриб, ташқи кўринишини, шаклини тушуниб бўлмайди. Шунинг учун натурани жонли оёқлардан турли ҳолатда чизиш билан бирга, қўл ва оёқ панжалари суякларидан, шунингдек уларнинг мускул қопламларидан ҳомаки чизмалар бажарилади.

Аммо бу қисмларнинг яхши тасвирини бериш етарли эмас, уларнинг алоҳида хусусиятлари, бетакрор мутаносиблиги, ёш, касб ва бошқа бир қатор сабаблар ўз изини қолдирган шаклларни ифодалаш зарур.

Ўнг қўлнинг кўрсаткич бармоғи шакли тасвиридаги айрим тарқоқликни чизматасвирнинг камчилиги дейиш мумкин. Қўл панжалари фақат ҳар хил вазиятда ҳомаки ишланган.

Оёқ панжалари ва уларнинг мушаклари ўзининг умумий гуруҳида қўл панжаларини эслатади, шунинг учун уларни ўрганиш методикаси бир хил. Бу ерда ҳам унинг анатомик қурилмасини ўрганиш натурадан ишлаш билан

мустаҳкамланиши зарур. Натурадан чизиш эса анатомиядан олинган амалий билимлар билан мустаҳкамланади. Қўл ва оёқ панжаларининг бир-бирига ўхшашлиги сабабли уларни бир постановкада бериш мумкин.

**Композицион жойлаштириш, қуриш.** Талабалар постановкани турли нукталардан кузатадилар. Иш бошлашдан олдин бир қатор қораламалар бажаришади. Шудан сўнг ўзларига ёққан, нуктани танлаб вазифани бажаришга киришадилар. Шошмасдан енгил чизиқлар билан натурани матога ўқитувчи таъкидлаган қонун – қоидага амал қилиб чизишни бошлашадилар. Натурани матонинг ўрта қисмига жойлаштириб, интерьер билан узвий боғлаш вазифаси туради. Қоматнинг боши, оёқлари планшетга қай тарзда жойлашиши, интерьер элементларини енгил чизиқлар билан кўзда чамалаб белгилаб чиқилади. Қоматни қуришда ўқ чизиқ ўтказилади. Натурани планшетга жойлаштирганда тепа қисмида пасткисидан кўпроқ бўшлиқ қолдирилади. Икки ён томонлар дан эса деярли бирхил оралиқлар бўлади. Уни қуришда бошқисмининг юқори нуктасидан оёқ учига тўғри чизиқ тортилиб ундан тос суягига чизиқ давом этади. Елкалар йўналиши, тирсак ва қўллар ҳолати, икки тиззанинг бир – бирига муносабати ва шу зайлда нукталар белгиланиб, чизиқлар тортилади.

Постановка композицияни ўзига хос томони хусусида аниқ, собит тушинча берилади. Композиция мукамаллиги бўлажак суратни пластик яхлитлигини ташкил этади. Ҳар бир вазифани ўзгача композиция ечими бўлгани каби ушбу вазифани мақсади хусусида сўзлаб, сўнг амалий ишга қўл урилади (эскиз). Композиция эскизини дастлаб, турли форматлардан келиб чиқиб, қоғозда қалам билан ижро этилади. Пухта топилган композиция эскизини асос қилиб олиб, ушбу форматдан келиб чиқиб ромка ва мато тайёрланади. Композиция ечимида талаба танлаган текисликда буюм ва жусса орасида уйғунлик бўлмоғи лозим, зеро уйғунлик бўлмаса бўлажак ўқув рангтасвири хом кўринишга эга бўлади.

**Тус муносабатлари нисбатини аниқлаш.** Бир нечта жисмлар орасидаги ёруғлик муносабатлари орасидаги фарқ натурадаги тус муносабатлари деб аталади. Натурага пропорционал бўлган бир нечта жисмлар орасидаги ёруғлик тафовути тасвирдаги тус нисбатлари ҳисобланади. Буюм юзасидаги ёруғлик даражаси натурадаги туси деб аталади. Бошқа юзалар ёруғлиги билан солиштириш натижасида, натурага пропорционал равишда олинган (ёки тасвирланган) юза ёруғлиги эса тасвирдаги тус муносабати ҳисобланади.

Табиатда акс этаётган нур ва соя ўйинларининг барча кучини ифодалаш одатда имконсиздек тасаввур қилинади. Зеро, табиатдаги жисмларнинг ёруғлик даражаси тез суратда кўпайиши ёки аксинча камайиши мумкин. Улар орасидаги тафовут шу қадар улканки бу ходисаларнинг ифодасини тасаввур қилиш қийин. Масалан, қуёш ёруғлиги ой нуридан юз минглаб маротаба кучлиди. Бу ёруғликларни ифодалаш учун рассомнинг имкониятлари нисбатан чекланган. Шу сабабли, чизматасвирдаги ранг-тус, нур-соя орасидаги қарама-қаршилик табиатдагигна нисбатан бир неча бор кам бўлиши мумкин. Энг оппоқ бўёқ ва энг оппоқ қоғоз ҳам ўзида деразадан тушаётган нурларда кўпроқ ёруғликни акс эттира олмайди. Қоғозга тушаётган ёруғлик-бизнинг имкониятимиздаги картинада тасвирланадиган энг кучли ёруғликдир.

## **2-Мавзу. Либоссиз ярим қомат олд тарафидан.(Кекса чайир киши, ярим шартли чизма, сунъий ёруғликда)**

### **РЕЖА:**

- 1. Одам қоматини конструктив қурилмаси.**
- 2. Бошни қомат билан ўзаро мутаносиблигини аниқлаб ишлаш.**
- 3. Моделировка**

**Одам қоматини конструктив қурилмаси.** Бир неча ўнлаб қораламалар ишланиб, талабалар ўзлари танлаган нуқтадан иш бошлашиб, постановкани

чиройли, қонун – қоидалар асосида жойлаштириб, енгил чизиқлар ёрдамида қоматни қуришга киришишади. Қоматни конструкцияга асослани қуришни давом эттиришади. Яъни натуранинг характерли умумий кўринишининг конструкцияси, қоматнинг кўзга кўринмайдиган орқа томонлари билан кўрсатиш вазифаси туради. Гавда қисмларининг схематик кўринишлари булар барчаси қоматни тўғри тасвирлаш асосини ташкил этади..

Италия Уйғониш даврида узоқ сеансли ишланган, аниқ чегараланган рангтасвир ва тез ишланган қоралама тушунчаларини учратамиз. Бу чизма тасвирларнинг ҳар бир тури алоҳида мақсад ва вазифаларга эга. Зеро, Жорж Вазари шундай ёзади: “Перо, қалам ёки бошқа ашёларда енгил, тез чизилган, тасвирларни қоралама деб аташ мумкин”. Бундан сўнг биз, қоралама атамасини чизматасвирнинг бирламчи тури, бошланғич босқичи, яъни қомат ҳолатининг жойлашиши асарнинг дастлабки композициясини топиш учун, (бўлғуси асарни) дастлабки кўринишини фарқлашга хизмат қилади деб биламиз. Рассом илҳомидан қисқа вақт мобайнида перо, ёки бошқа чизиш ашёларида бажарилган ва ўз (рассом) фикри, тафаккури тўғрилигини таққослаш, текшириш мақсадида чизилган тақдирда – у қоралама деб аталади”.<sup>1</sup>

Шундай қилиб қораламанинг асосий мақсади: “қоматнинг ҳолати” ва “яхлитлик”(умумлаштириш), ҳақида фикрлаб, предмет характерини, ташқи дунё билан боғлаш вазифасини ўтайди. Кейинги барча юз йилликда ва бизнинг ҳозирги кунгача қоралама “илҳом вақти”да рассомлар томонидан бажарилиб келинади. Улар эмоция, образлар орқали тез чизилган тасвирларда аниқланади.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, кейинги асрларда, бадий Академияларда ранг тасвир ва композициядан ажралган ҳолда чизма тасвир дарслари, алоҳида ўрганилган бўлса, уйғониш даври (айниқса эрта уйғониш даври) рассомлари устахоналарида бўлғуси усталар чизма тасвирни, бевосита

---

<sup>1</sup> Варнеке Б.В. Плиний об искусстве. Одесса. 1918. С.51.

композиция ишлари билан биргаликда бажарганлар. Шу сабабли, уйғониш даври рассомлари чизматасвирларини тўлиқ тугалланмаган ҳолда учратамиз.

**Бошни қомат билан ўзаро мутаносиблигини аниқлаб ишлаш.** Қомат қисмлари яъни бош қисмининг умумий қоматга нисбатини аниқ топиш вазифаси туради. Бунда кўз билан чамалаб таққослаш нисбатларни аниқлаш мумкин. Бошнинг қоматга неча нисбат келишини қаламда ўлчаб белгиланади.

Устозлар ўргатишда ўз шогирдларини шундай ишонтирганки, қоматни конструктив қуришни, тўғри тушуниб бажариш, инсоннинг анатомик тузилишини таҳлил қилиш, рангтасвирда ҳаракатни пайқаш, бунда тасвирни штрихлар билан ишлашга ўқувчини мажбурламасдан, аксинча, рангтасвирни таҳлил қилиб, қуриш босқичида қолдиришга рухсат берганлар.

Уйғониш даврининг буюк рассомлари қоралама ва ҳомаки чизгиларга катта эътибор ва аҳамият қаратганлар. Буюк Микеланджелонинг ушбу сўзлари юқоридаги фикрларнинг ёрқин далилидир.

**Моделировка.** Чизматасвирни шошмай, шаклнинг фазадаги (айниқса, ракурсдаги) ҳолатини яхшилаб кузатиб, кейин иш бошлаш керак. Бошнинг умумий кўриниши унинг катталиги ва мутаносиблигини белгилаб олгандан кейин, ўрта (симметрия) чизиқни аниқ мўлжаллаб олиш зарур. Қош, кўз, бурун ва оғизни ифодаловчи чизиқлар ўтказилади, уларнинг орасидаги масофа белгиланади, негаки бош ён томонга бурилганда ва ракурсда бу чизиқлар орасидаги масофа ўзгаради.

Чизмага киритиб ва мутаносибликни яхшилаб текширгандан кейин бошнинг айрим қисмларини аниқроқ ифодашга киришиш мумкин. Бунда уларнинг шаклини аниқ берилишига ва умумийлик хусусиятини назардан қочирмасликка ҳаракат қилиш зарур бўлади. Бошнинг ҳолатларида шакл бирон қисми юзасинг қисқариши ва бошқасининг катталашиши қандай рўй берилишини доимо фикран тасаввур этиб бориш керак. Масалан, юқорига кўтарилган бошда вертикал жойлашган пешона, бурун, яноқларнинг

қисқаришини кузатсак аксинча, горизонтал жойлашган кўз доиралари, буруннинг пастки юзаси, лаблар, жағ ва бошқаларнинг катталашушини кўрамиз, бош пасига эгилганда бу қисмларнинг ҳолати шунга кўра ўзгаради.<sup>2</sup>

### **3-Мавзу. Либоссиз ярим қомат орт тарафидан.(Кекса чайир киши, ярим шартли чизма, сунъий ёруғликда)**

#### **РЕЖА:**

- 1. Пастановкага мос натура танлаш.**
- 2. Нур ва сояни аниқлаш**
- 3. Чизматасвирда тус муносабатларини кўра билиш**
- 4. Деталларни ишлаш**

**Пастановкага мос натура танлаш.** Ишнинг дастлабки бошланиши аввало — модел-нусхани танлашдир. Постоновка илгарироқ раҳбар билан бирга ўйлаб кўрилади, ундан кейин ўйлаб қўйилган постановка режасига монанд модел танлаб олинади.

Бу вазифага иложи борица танасининг пластик ҳолати гўзал, ўлчамлари пропорциал инсон танланади. Ўқув топшириғини асосий талаби пастановка ҳолати ва муҳит мувофиқлигини тўғри топишдан иборат.

Постановка чуқур, мураккаб макон тузилмаси, гурухли йўналтирилган ёруғнинг модел рангини, шакли, феъл-атвори, маъносини тўлақонли очиб беришга хизмат қилиши лозим. Интерьерда гавдаларни ўзаро мувофиқлаштириш зарур, негаки постановка моделдан ўзаро мос бирликдаги ҳаракатларда портрет хусусиятларини очиб бериш вазифасини ўз ичига олади. Талабанинг диққати инсонни чуқур ўрганишга, образларни ифодалилигига йўналтирилган бўлиши керак.<sup>3</sup>

Инсоннинг ўзига хос, индивидуал қиёфаси, ифодали хислатлари, бошқалардан фарқланувчи жиҳатлари, ўлчамлар нисбати, характерли

---

<sup>2</sup> Andrew Loomis - Figure Drawing For All It's Worth/ 171b

<sup>3</sup> Andrew Loomis - Figure Drawing For All It's Worth/ 171p

жиҳатлари, рухий ҳолати хусусиятлари ва албатта кўз ифодаси, қовоқлари ва лаблар ҳолати бадиийлик даражасида эмоционал тасвирлаш тажрибасини шакллантиради. Либосли эркак қомати мақсади образлар ечими ва композицион рангтасвир мақсадларини ўз ичига олади. Шу билан бир қаторда ўзаро мазмун ва пластик боғлиқлигини бадиий ифодалаш, фазовийлигини кўрсатади.

Вазифа ўзига хос мураккабликда бўлиб талабани қайсидир маънода ижодкорликка ундаши керак. Талабани ижодий процессга йўналтириш борасида, ушбу постановкада, пластик (мураккаб) вазифалар етакчи рольни ўйнайди. Зеро тасвирий санъатни ўзаги – жони ва қони бу пластика.

**Нур ва сояни аниқлаш.** Буюмларни тасвирлашда ёруғ соялар катта аҳамиятга эга. Натурага ёруғлик қанчалик тик тушса уларнинг тасвири шунчалик яққол кўринади. Аксинча, четдан тушаётган ёруғлик буюмга умумий тарзда тушиб бажарилаётган тасвири хирароқ бўлишига олиб келади. Ёруғлик урилиб (синиб) бир буюмдан икинчиси ва учинчисига тушиши мумкин. Бу тасвирланаётган буюмлардаги ёруғ ва соялар мажмуасини ташкил этади. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Ёруғлик;
2. Соя;
3. Тушувчи соя;
4. Ярим соя;
5. Акс ёруғлик;
6. Ялтироқлик.

Ёруғлик деб – предмет юзасига тик тушувчи қуёш ёки сунъий ёриткичларнинг буюм юзасида ташкил этган нурга айтилади.

Соя – буюмларнинг ёритилган қисмининг орқасида (тескарисига) ёруғлик нурлари тушмаган ерига айтилади. Бундай соялар шахсий соя деб ҳам юритилади. Тасвирлар бажаришда тушувчи соялар ҳам кузатилади. Ушбу соялар буюмнинг текислигига (стол, пол, ер ва х.к) ҳамда

бажарилаётган буюмларининг бирида иккинчисига ҳам тушиши мумкин. Буюмларга қияроқ (хирароқ) равишда тушувчи ёруғлик нури уларда ярим сояларни ташкил этади.ярим соялар асосан ёруғлик ва шахсий соялар оралиғида жойлашади. Шунинг учун буюмлардаги ҳар қандай соялар ҳам бир хил тусда бўлавермайди.

**Чизматасвирда тус муносабатларини кўра билиш** Жисм ва жуссаларнинг ҳажмли шакли ва ашёси инсон нигоҳи томонидан энг аввало буюмнинг нур-соя ҳамда ранг чегаралари воситасида қабул қилинади. Шунинг учун ҳам текисликда натуранинг ҳаққоний тасвирини, макон ҳажмни ҳосил қилиш учун буюмнинг перспектив ечимларидан ташқари ҳар бир шаклнинг нур-соя ҳамда тус муносабатларини ҳам тўғри акс эттириш лозим. Ҳар бир ҳажмли шакл қийшиқ ёки текис геометрик юзалар билан чегараланади, улар эса ўз навбатида ёритилиш жараёнида турли ёруғли к шароитларга тушиб қорлади. Буюмларнинг тури юзаларига тушаётган нурлар уларни бир маромда ёритмайди. Юзанинг баъзи қисмларига кўпроқ баъзиларига эса камроқ нур тушади. Буюм юзасининг ёруғлик ўзгариши аввалам бор унинг нур тушаётган манбаа билан оралиқ масофага боғлиқ бўлади. Юзадан ёруғлик манбаси қанчалик узоқ бўлса унинг юзачи шунчалик оз ёритилади. Аксинча ёруғлик манбаси қанчалик яқин бўлса унинг ёритилиши шу қадар кучли бўлади. Буюм юзасидаги ёруғлик даражасини ҳис қилиш жисмнинг томошабин билан оралиқ масофасига ҳам боғлиқ бўлади. Томошабин кўрилаётган буюмнинг узоқлашган сари унинг ранглари секин аста хиралашади, соя жайлар рангнинг оч-тўқлиғни ва туси оқариб боради.

**Деталларни ишлаш** инсон тасвирини текисликка жойлаб, тана қисмларининг асосий ўлчамлари, жағдан пешона дўнглигигача, қошдан буруннинг растигача, бурун асосидан жағгача бўлган ўлчамлар белгиланади. Кўз чуқурчасини ўрни, қошнинг тепа ёйи, яноқ суягининг

Чизматасвирни шошмай, шаклнинг фазадаги (айниқса, ракурсдаги) ҳолатини яхшилаб кузатиб, кейин иш бошлаш керак. Бошнинг умумий

кўриниши унинг катталиги ва мутаносиблигини белгилаб олгандан кейин, ўрта (симметрия) чизиқни аниқ мўлжаллаб олиш зарур. Қош, кўз, бурун ва оғизни ифодаловчи чизиқлар ўтказилади, уларнинг орасидаги масофа белгиланади, негаки бош ён томонга бурилганда ва ракурсада бу чизиқлар орасидаги масофа ўзгаради.

Чизмага киритиб ва мутаносибликни яхшилаб текширгандан кейин бошнинг айрим қисмларини аниқроқ ифодашга киришиш мумкин. Бунда уларнинг шаклини аниқ берилишига ва умумийлик хусусиятини назардан қочирмасликка ҳаракат қилиш зарур бўлади. Бошнинг ҳолатларида шакл бирон қисми юзасинг қисқариши ва бошқасининг катталашиши қандай рўй берилишини доимо фикран тасаввур этиб бориш керак. Масалан, юқорига кўтарилган бошда вертикал жойлашган пешона, бурун, яноқларнинг қисқаришини кузатсак аксинча, горизонтал жойлашган кўз доиралари, буруннинг пастки юзаси, лаблар, жағ ва бошқаларнинг катталашишини кўрамиз, бош пасига эгилганда бу қисмларнинг ҳолати шунга кўра ўзгаради.<sup>4</sup>

#### **4-Мавзу. Портрет қўллари билан.**

**Режа:**

**1 Одам қоматини конструктив қурилмаси.**

**2. Бошни қомат билан ўзаро мутаносиблигини аниқлаб ишлаш.**

**3. Моделировка**

##### **Одам қоматини конструктив қурилмаси.**

Бир неча ўнлаб қораламалар ишланиб, талабалар ўзлари танлаган нуқтадан иш бошлашиб, постановкани чиройли, қонун – қоидалар асосида жойлаштириб, енгил чизиқлар ёрдамида қоматни қуришга киришишади. Қоматни конструкцияга асослани қуришни давом эттиришади. Яъни натуранинг характерли умумий кўринишининг конструкцияси, қоматнинг кўзга кўринмайдиган орқа томонлари билан кўрсатиш вазифаси туради.

---

<sup>4</sup> Andrew Loomis - Figure Drawing For All It's Worth/ 171b

Гавда қисмларининг схематик кўринишлари булар барчаси қоматни тўғри тасвирлаш асосини ташкил этади..

Италия Уйғониш даврида узоқ сеансли ишланган, аниқ чегараланган рангтасвир ва тез ишланган қоралама тушунчаларини учратамиз. Бу чизма тасвирларнинг ҳар бир тури алоҳида мақсад ва вазифаларга эга. Зеро, Жорж Вазари шундай ёзади: “Перо, қалам ёки бошқа ашёларда енгил, тез чизилган, тасвирларни қоралама деб аташ мумкин”. Бундан сўнг биз, қоралама атамасини чизматасвирнинг бирламчи тури, бошланғич босқичи, яъни қомат ҳолатининг жойлашиши асарнинг дастлабки композициясини топиш учун, (бўлғуси асарни) дастлабки кўринишини фарқлашга хизмат қилади деб биламиз. Рассом илҳомидан қисқа вақт мобайнида перо, ёки бошқа чизиш ашёларида бажарилган ва ўз (рассом) фикри, тафаккури тўғрилигини таққослаш, текшириш мақсадида чизилган тақдирда – у қоралама деб аталади”.<sup>5</sup>

Шундай қилиб қораламанинг асосий мақсади: “қоматнинг ҳолати” ва “яхлитлик”(умумлаштириш), ҳақида фикрлаб, предмет характерини, ташқи дунё билан боғлаш вазифасини ўтайди. Кейинги барча юз йилликда ва бизнинг ҳозирги кунгача қоралама “илҳом вақти”да рассомлар томонидан бажарилиб келинади. Улар эмоция, образлар орқали тез чизилган тасвирларда аниқланади.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, кейинги асрларда, бадий Академияларда ранг тасвир ва композициядан ажралган ҳолда чизма тасвир дарслари, алоҳида ўрганилган бўлса, уйғониш даври (айниқса эрта уйғониш даври) рассомлари устахоналарида бўлғуси усталар чизма тасвирни, бевосита композиция ишлари билан биргаликда бажарганлар. Шу сабабли, уйғониш даври рассомлари чизматасвирларини тўлиқ тугалланмаган ҳолда учратамиз.

**Бошни қомат билан ўзаро муносаббалигини аниқлаб ишлаш.**

---

<sup>5</sup> Варнеке Б.В. Плиний об искусстве. Одесса. 1918. С.51.

Қомат қисмлари яъни бош қисмининг умумий қоматга нисбатини аниқ топиш вазифаси туради. Бунда кўз билан чамалаб таққослаш нисбатларни аниқлаш мумкин. Бошнинг қоматга неча нисбат келишини қаламда ўлчаб белгиланади.

Устозлар ўргатишда ўз шогирдларини шундай ишонтирганки, қоматни конструктив қуришни, тўғри тушуниб бажариш, инсоннинг анатомик тузилишини таҳлил қилиш, рангтасвирда ҳаракатни пайқаш, бунда тасвирни штрихлар билан ишлашга ўқувчини мажбурламасдан, аксинча, рангтасвирни таҳлил қилиб, қуриш босқичида қолдиришга рухсат берганлар.

Уйғониш даврининг буюк рассомлари қоралама ва ҳомаки чизгиларга катта эътибор ва аҳамият қаратганлар. Буюк Микеланджелонинг ушбу сўзлари юқоридаги фикрларнинг ёрқин далилидир.

**Моделировка.** Чизматасвирни шошмай, шаклнинг фазадаги (айниқса, ракурсдаги) ҳолатини яхшилаб кузатиб, кейин иш бошлаш керак. Бошнинг умумий кўриниши унинг катталиги ва мутаносиблигини белгилаб олгандан кейин, ўрта (симметрия) чизиқни аниқ мўлжаллаб олиш зарур. Қош, кўз, бурун ва оғизни ифодаловчи чизиқлар ўтказилади, уларнинг орасидаги масофа белгиланади, негаки бош ён томонга бурилганда ва ракурсда бу чизиқлар орасидаги масофа ўзгаради.

Чизмага киритиб ва мутаносибликни яхшилаб текширгандан кейин бошнинг айрим қисмларини аниқроқ ифодашга киришиш мумкин. Бунда уларнинг шаклини аниқ берилишига ва умумийлик хусусиятини назардан қочирмасликка ҳаракат қилиш зарур бўлади. Бошнинг ҳолатларида шакл бирон қисми юзасинг қисқариши ва бошқасининг катталашиши қандай рўй берилишини доимо фикран тасаввур этиб бориш керак. Масалан, юқорига кўтарилган бошда вертикал жойлашган пешона, бурун, яноқларнинг қисқаришини кузатсак аксинча, горизонтал жойлашган кўз доиралари,

буруннинг пастки юзаси, лаблар, жағ ва бошқаларнинг катталашишини кўрамиз, бош пасига эгилганда бу қисмларнинг ҳолати шунга кўра ўзгаради.<sup>6</sup>

### **Либоссиз одам қоматининг анатомик таҳлили**

**5-Мавзу. Эркак кишининг либоссиз ярим комати. (Кекса чайир киши, конструктив ечимда, шартли чизма суний ёруғликда)**

**Режа:**

**1. Рангтасвир тахсили давомида бажарилиши лозим вазифалар билан таништириш.**

**2. Кўз, бурун, қулоқ, оғиз каби қисмларини матога тўғри жойлаштириш**

**3. Анатомик таҳлил, деталлар устида ишлаш**

**Рангтасвир тахсили давомида бажарилиши лозим вазифалар билан таништириш.** Инсоннинг қиёфасига қараб табиий ҳолатида тасвир этиш жараёнида, тасвир воситаларининг барча унсурлари ўзаро муносабат бўлишга, яъни композиция, чизматасвир, ранглар товланиши, ҳаракат ва сокинлик, нур ва соя, фазовий ўлчамларнинг нисбатлари тўғри акс этишига эътибор бермоқ лозим бўлади. Ушбу муаммолар ечими воқеий дунёни жонли ҳис этиш, турли инсон шакл шамойили, феъл атвори, руҳий ҳолатини ишонарли ифодалаб бериш, тасвир мавзуи ва тимсолнинг асосий моҳият, етакчи жиҳат ва хусусиятларини тўғри белгилаб, ёрқин ифодалай билишга қаратилмоғи лозим.

Картинада предметнинг маълум ёритилишини бериб, бошидаёқ унинг кўз мослашган қисми ёритилишини аниқлаш ва шунга мувофиқ тўқ ва ёруғ жойларнинг у ёки бу характери бериш керак.

Соядаги қиёфанинг майинлиги, ёритилган жойлардаги чегара ва деталларнинг тиниқлиги ва ёрқин предметларнинг ёруғлик гардиши

---

<sup>6</sup> Andrew Loomis - Figure Drawing For All It's Worth/ 171b

ёритишнинг турли даражаларида предметлар қиёфаларининг характерли хусусиятлари ҳисобланади.<sup>7</sup>

Тасвирий иш анъанаси остида нима тушунилади?

Предметдан кўриш таассуроти ва уни тасвирлаш мақсадида картина текислигига бўёқларнинг суртилиши орасида бизнинг онгимизда мураккаб фикрловчи жараён рўй беради. Бу жараён доим муаллифнинг индивидуал хусусиятларига, унинг дунёқарашига, муаллиф предметнинг қандай қирраларида тўхталишига, у ўз асарига қайси фикр ва ҳиссиётларни бағишламоқчилигига боғлиқ ҳолда маълум йўналишга эга бўлади. Буларнинг ҳаммаси муаллиф онги ва уларнинг тасвирига жойланган образларга таъсир кўрсатади. Пировардида ишнинг тасвир характери ва колорит характерини белгиловчи анаъанаси ҳам шундай яратилади.

Образли фикрлаш жараёни ушбу китобда бизнинг ифода тарзимиз предмети ҳисобланамайди, аммо ишда йўналишни аниқлаб олиш учун умумий жиҳатларида у билан танишиб олиш зарур.

**Кўз, бурун, қулоқ, оғиз каби қисмларини матога тўғри жойлаштириш.** Бошнинг ўрта чизиғи ҳолати, бурилиши ён томонга егилишини аниқлаб қоғоз текислигига жойлаштириш. Бош тасвирини текисликка жойлаб, юз қисмларининг асосий ўлчамлари; жағдан пешона дўнглигигача, қошдан буруннинг пастигача, бурун асосидан жағгача бўлган ўлчамлар белгиланади. Кўз чуқурчасини ўрни, қошнинг тепа ёйи, яноқ суягининг чеккалари, қулоқ чуқурчалари ва бошқалар кўрсатилади.

Юз қисмидаги бурун, лаб, яноқ суяклари, жағнинг юқори ва пастки ўлчамлари, бошнинг вертикал чизиғига нисбатан бурилишига боғлиқ бўлиб қисмлари перспектив қисқаради. Буларни натурадан синчиклаб кузатганимизда биринси ва орқа пландагиларни чизиқлар ёрдамида аниқлаймиз. Гаризонтал чизиғи пастда бўлса; бурун, яноқ, пешона, жағларнинг вертикал текисликдаги қисқаришини кўрамиз.

---

<sup>7</sup> Virgil Elliott “Traditional oil painting” USA 2007. 25p.

Шунинг билан бирга жағнинг пастки қисми, бурун асоси, қўзнинг юқори қисми горизонтал текислиги катталашади. Бош пастга егилган бўлса юқоридагиларнинг акси ҳолатини кузатамиз. Бошни чизиқли қуришдан кейин шаклларга ранг берилади. Ранг беришда энг қорамтир қисмидан бошланади ва тус нисбатларини сақлаган ҳолда енгил давом эттирилади. Ёритиш манбасига яқин шакллар сояси тўқроқ, узоқдагилари эса бироз хирароқ кўринишда бўлади.

**Анатомик таҳлил, деталлар устида ишлаш.** Деталлаштириш — босқичнинг техник муносабатларида энг қийин жараёндир. У аниқликни образли тасаввурни ва, бўёқ суртишда буюмнинг характериға етарлича эътибор беришда анча аниқликни талаб қилади. Деталь янги суртилган бўлиши билан бирга, хал қилинган, ишончли; фақат шундагина у тасвирнинг аниқлигини таъминлашға хизмат қилади. Ишончсиз суртилган деталь бўш, барча ишни эзилган, жонсиз қилиб кўрсатади.

Деталлаштириш жараёнида рассомнинг юксак маҳорати, маданияти, ва билими намоён бўлади. Шундай кен қўлланиладиган анъанавий деталлаштириш усулларида мазок, штрих, пёро ва кисть орқали бажариладиган ретуш шулар жумласидандир.

Штрих юмшоқ, эгилувчан учли, энг яхшиси колонок кисти ёрдамида, энг керакли асосий жойларға яъни шаклларни бўрттириб кўрсатиш, нозик, иншоотларнинг майда деталлари, дарахт шохлари ва шунга ўхшаган деталларни ишлаш учун қўлланилади. Штрих ва мазокларни ишлатишда уларнинг йўналиши, ранги ҳамда деталнинг характериға эътибор қилиш керак бўлади.

Детал ранги юқори даражада аниқ, ёки умумий ранглар уйғунлиги билан ҳамоҳанг, ва унғача аниқ ва ишонч ҳосил қилган ҳолда деталлаштирилаётган буюмнинг ранги, штрихи танланиши лозим. Шунинг учун ҳам мойбўёқли техникада детал ишлаш жараёнида ўзгача эътиборни

талаб қилади; бир қанча қайта ишлаш, у тасвир гўзаллигини йўқотади ва иш сифатини пасайтиради.<sup>8</sup>

Бошнинг ўрта чизиғи ҳолати, бурилиши ён томонга егилишини аниқлаб қоғоз текислигига жойлаштириш. Бош тасвирини текисликка жойлаб, юз қисмларининг асосий ўлчамлари; жағдан пешона дўнглигига, қошдан буруннинг пастигача, бурун асосидан жағгача бўлган ўлчамлар белгиланади. Кўз чуқурчасини ўрни, қошнинг тепа ёйи, яноқ суягининг чеккалари, кулоқ чуқурчалари ва бошқалар кўрсатилади.

Юз қисмидаги бурун, лаб, яноқ суяклари, жағнинг юқори ва пастки ўлчамлари, бошнинг вертикал чизиғига нисбатан бурилишига боғлиқ бўлиб қисмлари перспектив қисқаради. Буларни натурадан синчиклаб кузатганимизда биринси ва орқа пландагиларни чизиқлар ёрдамида аниқлаймиз. Горизонтал чизиғи пастда бўлса; бурун, яноқ, пешона, жағларнинг вертикал текисликдаги қисқаришини кўрамиз.

Шунинг билан бирга жағнинг пастки қисми, бурун асоси, кўзнинг юқори қисми горизонтал текислиги катталашади. Бош пастга егилган бўлса юқоридагиларнинг акси ҳолатини кузатамиз. Бошни чизиқли қуришдан кейин шаклларга ранг берилади. Ранг беришда енг қорамтир қисмидан бошланади ва тус нисбатларини сақлаган ҳолда енгил давом эттирилади. Ёритиш манбасига яқин шакллар сояси тўқроқ, узоқдагилари эса бироз хирароқ кўринишда бўлади.

Натурадан рангда тасвирлаш жараёни ўз қонун қоидаларига эга ишнинг бошланиш қисмида нималар қилиш, ўртасида қайси масалаларни ҳал этиш ва охирлаб қолганда уни қандай яқунлаш кераклигини билиш зарурдир. Рангтасвирда қуйидаги асосий масалаларни ҳал этиш зарур:

- умумий тус ва ранг ҳолатдари ва натура бўёқларининг бир-бирига яқинлигидаги тус ва ранг муносабатларини топа билиш;

---

<sup>8</sup> Andrew Loomis - Figure Drawing For All It's Worth/ 171 p.

- катта ранг-тусли муносабатлар чегарасидаги ранг-тусларнинг “чўзилиши”, алоҳида буюмларнинг ҳажмли шаклларининг батафсил рангли қайта ишланиши; бутун тасвирнинг умумийлиги, яхлитлиги ҳамда композиция марказини кўрсата билиш.

## **6-Мавзу. Либоссиз қомат. (Кекса чайир киши)**

**Режа:**

- 1. Композицион жойлаштириш.**
- 2. Анатомик таҳлил, деталлар устида ишлаш.**
- 3. Умумлаштириш ва тугатиш**

**Композицион жойлаштириш.** Талабалар постановкани турли нуқталардан кузатадилар. Иш бошлашдан олдин бир қатор қораламалар бажаришади. Шудан сўнг ўзларига ёққан, нуқтани танлаб вазифани бажаришга киришадилар. Шошмасдан енгил чизиқлар билан натурани матога ўқитувчи таъкидлаган қонун – қоидага амал қилиб чизишни бошлашадилар. Натурани матонинг ўрта қисмига жойлаштириб, интерьер билан узвий боғлаш вазифаси туради. Қоматнинг боши, оёқлари планшетга қай тарзда жойлашиши, интерьер элементларини енгил чизиқлар билан кўзда чамалаб белгилаб чиқилади. Қоматни қуришда ўқ чизиқ ўтказилади. Натурани планшетга жойлаштирганда тепа қисмида пасткисидан кўпроқ бўшлиқ қолдирилади. Икки ён томонлар дан эса деярли бирхил оралиқлар бўлади. Уни қуришда бошқисмининг юқори нуқтасидан оёқ учига тўғри чизиқ тортилиб ундан тос суягига чизиқ давом этади. Елкалар йўналиши, тирсак ва қўллар ҳолати, икки тиззанинг бир – бирига муносабати вашу зайлда нуқталар белгиланиб, чизиқлар тортилади.

Постановка композицияни ўзига хос томони хусусида аниқ, собит тушинча берилади. Композиция мукамаллиги бўлажак суратни пластик яхлитлигини ташкил этади. Ҳар бир вазифани ўзгача композиция ечими бўлгани каби

ушбу вазифани мақсади хусусида сўзлаб, сўнг амалий ишга қўл урилади (эскиз). Композиция эскизини дастлаб, турли форматлардан келиб чиқиб, қоғозда қалам билан ижро этилади. Пухта топилган композиция эскизини асос қилиб олиб, ушбу форматдан келиб чиқиб ромка ва мато тайёрланади. Композиция ечимида талаба танлаган текисликда буюм ва жусса орасида уйғунлик бўлмоғи лозим, зеро уйғунлик бўлмаса бўлажак ўқув рангтасвири хом кўринишга эга бўлади.

**Анатомик таҳлил, деталлар устида ишлаш.** Деталлаштириш — босқичнинг техник муносабатларида энг қийин жараёндир. У аниқликни образли тасаввурни ва, бўёқ суртишда буюмнинг характериға етарлича эътибор беришда анча аниқликни талаб қилади. Деталь янги суртилган бўлиши билан бирга, хал қилинган, ишончли; фақат шундагина у тасвирнинг аниқлигини таъминлашга хизмат қилади. Ишончсиз суртилган деталь бўш, барча ишни эзилган, жонсиз қилиб кўрсатади.

Деталлаштириш жараёнида рассомнинг юксак махорати, маданияти, ва билими намоён бўлади. Шундай кен қўлланиладиган анъанавий деталлаштириш усулларида мазок, штрих, пёро ва кисть орқали бажариладиган ретуш шулар жумласидандир.

Штрих юмшоқ, эгилувчан учли, энг яхшиси колонок кисти ёрдамида, энг керакли асосий жойларга яъни шаклларни бўрттириб кўрсатиш, нозик, иншоотларнинг майда деталлари, дарахт шохлари ва шунга ўхшаган деталларни ишлаш учун қўлланилади. Штрих ва мазокларни ишлатишда уларнинг йўналиши, ранги ҳамда деталнинг характериға эътибор қилиш керак бўлади.

Детал ранги юқори даражада аниқ, ёки умумий ранглар уйғунлиги билан ҳамоҳанг, ва унғача аниқ ва ишонч ҳосил қилган ҳолда деталлаштирилаётган буюмнинг ранги, штрихи танланиши лозим. Шунинг учун ҳам мойбўёқли техникада детал ишлаш жараёнида ўзгача эътиборни

талаб қилади; бир қанча қайта ишлаш, у тасвир гўзаллигини йўқотади ва иш сифатини пасайтиради.<sup>9</sup>

Бошнинг ўрта чизиғи ҳолати, бурилиши ён томонга егилишини аниқлаб қоғоз текислигига жойлаштириш. Бош тасвирини текисликка жойлаб, юз қисмларининг асосий ўлчамлари; жағдан пешона дўнглигига, қошдан буруннинг пастигача, бурун асосидан жағгача бўлган ўлчамлар белгиланади. Кўз чуқурчасини ўрни, қошнинг тепа ёйи, яноқ суягининг чеккалари, кулоқ чуқурчалари ва бошқалар кўрсатилади.

Юз қисмидаги бурун, лаб, яноқ суяклари, жағнинг юқори ва пастки ўлчамлари, бошнинг вертикал чизиғига нисбатан бурилишига боғлиқ бўлиб қисмлари перспектив қисқаради. Буларни натурадан синчиклаб кузатганимизда биринси ва орқа пландагиларни чизиқлар ёрдамида аниқлаймиз. Горизонтал чизиғи пастда бўлса; бурун, яноқ, пешона, жағларнинг вертикал текисликдаги қисқаришини кўрамиз.

Шунинг билан бирга жағнинг пастки қисми, бурун асоси, кўзнинг юқори қисми горизонтал текислиги катталашади. Бош пастга егилган бўлса юқоридагиларнинг акси ҳолатини кузатамиз. Бошни чизиқли қуришдан кейин шаклларга ранг берилади. Ранг беришда енг қорамтир қисмидан бошланади ва тус нисбатларини сақлаган ҳолда енгил давом эттирилади. Ёритиш манбасига яқин шакллар сояси тўқроқ, узоқдагилари эса бироз хирароқ кўринишда бўлади.

Натурадан рангда тасвирлаш жараёни ўз қонун қоидаларига эга ишнинг бошланиш қисмида нималар қилиш, ўртасида қайси масалаларни ҳал этиш ва охирлаб қолганда уни қандай якунлаш кераклигини билиш зарурдир. Рангтасвирда қуйидаги асосий масалаларни ҳал этиш зарур:

- умумий тус ва ранг ҳолатдари ва натура бўёқларининг бир-бирига яқинлигидаги тус ва ранг муносабатларини топа билиш;

---

<sup>9</sup> Andrew Loomis - Figure Drawing For All It's Worth/ 171 p.

- катта ранг-тусли муносабатлар чегарасидаги ранг-тусларнинг “чўзилиши”, алоҳида буюмларнинг ҳажмли шаклларининг батафсил рангли қайта ишланиши; бутун тасвирнинг умумийлиги, яхлитлиги ҳамда композиция марказини кўрсата билиш.

**Умумлаштириш ва тугатиш.** Ишнинг якуний қисми – яхлитлаш, яъни майда деталларнинг бир бутунликка бўйсундиришдир. Бу ишда асосий бўлақларнинг тус ечимига эътибор бериш керак. Агар ола була чипорлик яхлитликка ҳалақт берса уларга ишлов бериш керак. Натурани яхлик кўринишга ҳалақт бераётган ҳар бир бўлақни ўз жойига қўйиш керак. Агар шундай қилмасак, қўшимча деталлар асосий объектдан чалғитиб, диққатни тортади, яхлитликни бузади. Агар рассом яхлик кўришни ўрганган бўлса, тасвирни оқилона бажаради. Бу босқичда гавда силуетига ҳам эътиборни кучайтириш даркор.

Тасвирда жуда нозик тус фақини сақлаб қолиш керак. Силуетнинг баъзи жойларининг кучайтириб (чизик орқали) баъзи жойларни фон билан қўшиб юбориш керак. Қўйилмада нимани бўрттириб (чизиб) нимани фонга яқин тусда бирлаштириб юборилишини ҳал этиш зарур. Буни натурага яхлит қараганда ажратиб олиш мумкин.

Шундан сўнг гавданинг тўғри конструктив қурилмасига эга бўлиш мумкин. Нихоят, портрети ишланаётган одамнинг ички психологиясини очишга ҳам уриниб кўриш мумкин. Бу нарсага деталларни яхлитлаб асосий характерли жойларини бўрттириш билан эришиш мумкин.

Портрер ёзиш жараёни бу жараёнда сиз ҳар хил эффект ҳамда лисировкалар ёрдамидан фойдаланишингиз мумкин. Бунда ҳам ўзизга керакли жараёндан фойдаланинг ҳамма жараёнлардан эмас.

Масалан Дюрер ўз автопортретларидан ўзидан фойдаланиб ўзи ўрганган.

Қаламтасвир ва рангтасвир сиз буни ҳаммасини ўргана олмайсиз лекин ўзизга етарлича ўрганишга ҳаракат қилинг.<sup>10</sup>

**7-Мавзу: Эркак кишининг либоссиз қомати (олд тарафидан тасвири, анатомик тахлили билан, кекса чайир киши, конструктив ечимда, шартли чизма суний ёруғликда)**

**Режа:**

- 1. Яланғоч қомат пропорцияси.**
- 2. Мавзуда пешона, калла, ёнок ва ияк суякларига ишлов бериш.**
- 3. Қўл ва оёқ чизматасвири.**
- 4. Қисмлар шаклини ишлаш**

**Яланғоч қомат пропорцияси.** Турли тарафдан кўз, бурун, оғиз, кулоқ қисмларининг нисбат ўлчамларини бош ҳарактерига мутаносиблигини топиш ва уларни аниқ ишлаб кўрсатиб бериш лозим. Бош ва елка, гавда ва оёқ-қўл орасидаги боғлиқликлар, нисбатларни тўғри ва аниқ кўрсатиб, тасвирлаб бериш керак бўлади.

Жисм ёритилганлик даражасисига эътибор берилади ва ёруғлик юқори томондан тушиши ва ҳосил бўлган сояда шакл яхши кўриниши керак. Қоматни шундай жойлаштириш керакки, бир-бири билан бўғим ва пайлар орқали бириккан алоҳида суяклардан ташкил топган қоматни аниқ тасаввур этиш имконини беради.

Инсон танасининг пластик ва нисбий тузилишини намоён этади. Чунки суякларнинг ўлчами тана қимлари ўлчами ва нисбатларини белгилаб беради. Уларнинг ўзаро бирлашган жойи эса тана ҳаракатини кўрсатади. Бундан ташқари, суяклар қаттиқ ва уларнинг шакли ўзгармас, мушаклар эса ҳаракатга кўра кичрайиб ёки катталашиб туради.

---

<sup>10</sup> Virgil Elliott –Traditional oil painting / USA-2007-120 p/

Натура ва талабалар оралиғидаги масофа энг камида бир-икки анатомик қомат узунлигига тенг ҳолатда жойлаштирилади. Шунда натура ва унинг барча қисмлари яққол кўринади. Марказий чизик эса, жуфт (симметрик) шаклларни ишлаш чоғида мўлжал вазифасини ўтайди.

Инсон қомати чизматасвирини ишлашнинг босқичи бошқа жисмлар чизматасвирини ишлашдан фарқ қилмайди. Рассом моделни ўрганади ва аниқ кўриш нуқтасини танлайди. Рассом тасвир воситаларини тайёрлайди. Анатомик қомат берилган ўлчамдаги қоғозга тўлиқ сиғиши учун, авваламбор, унинг энг юқори ва энг пастки нуқталарини аниқлаш керак. Шунингдек, чизматасвир ишлаш жараёнида тасвир қоғозининг марказида жойлашиши шарт. Чизматасвирни бир кўриш нуқтасидан ишлаш катта аҳамиятга эга, аммо жисмнинг турли томонларини билиш ва кузатиш керак.

Одам қомати чизматасвирини ишлаш чоғида доимо шуни ёдда тутиш керакки, ҳажмли шакллар чизматасвир ишлашнинг асоси бўлиб ҳисобланади, чизматасвир ишлаш кетма-кетлиги эса умумийдан алоҳида қисмларга ва қисмлардан бойитилган умумий тасвирга ўтиш тартибидан амалга оширилиши керак. Натурадан чизматасвир ишлаш тартибига амал қилмаслик натижасида, ишланган тасвир нотабиий кўриниш касб этади. Ҳар бир иш ўз бошланиши, давом этиши ва якунланишига эга бўлганидек, чизматасвир ишлаш жараёни ҳам шу учта босқич асосида амалга оширилиши керак. Умумий қисмларга, оддийдан мураккабга ўтиш тартиби – чизматасвир ишлаш жараёнидаги асосий босқичлар бўлиб ҳисобланади. Иш бошлаш аввалида талаба чизматасвирнинг умумий кўринишини белгилаб олади.

Бу ерда у шаклнинг жойлашуви, ҳаракати ва характерини ҳисобга олиши лозим. Чизматасвир ишлашда қоматни шу қомат жойлашган горизонтал юзага нисбатан ҳамда кенгликда вертикал бўйича тўғри жойлаштириш катта аҳамиятга эга. Бунинг учун, авваламбор, бўйин чуқурчасидан тос суяги томон чўзилган томон чўзилган ва дум суяги билан якунланган марказий ўқ чизиги ҳолатини аниқлаш зарур. Инсон танаси

симметрик ва унинг марказий ўқ чизиғи тана асоси ҳаракатини аниқ кўрсатиб беради.

Кўпинча ёш rassomлар томонидан ишланган тик ҳолатдаги қомат йиқилаётган кўриниш касб этади. Бунинг асосий сабаби марказий оғирлик чизиғи бўйлаб туширилган вертикал тасвирланаётган инсон оёқларига (ёки тана оғирлиги тушаётган оёққа) тўғри келмайди. Рассом тананинг асосий қисмларини бир-бирига нисбатан қандай ҳолатда жойлашганини аниқлаши муҳим (қайси оёққа тана тиралган, тос суяги оёқларга нисбатан қандай ҳолатда жойлашган ва у қай даражада эгилган, бош ва қўлларнинг бурилганлиги ва ҳ.к.). Модел ҳаракати чизматасвирда тўғри ифодаланиши лозим. Бунинг учун эса rassом модел позасини, жойлашувуни тўғри таҳлил қилиши муҳимдир.

Инсон қомати чизматасвирини ишлашнинг дастлабки босқичида rassом бутун қоматининг умумий кўринишини белгилаб олади. Қомат қоғозда белгилаб олинганидан кейин, ишлашни кўрсатилган кетма-кетлик бўйича қуйидаги суяклар бирлашган жойини (бўғимларни) топишдан бошланади:

- қоматдаги оёқларнинг ҳолатини аниқлаш учун тос ва сон суяклари бирлашган жойни;
- тизза бўғими ва қопқоғи ҳолатини аниқлаш учун сон ва болдир суяклари (катта ва кичик болдир суяклари) бирлашган жойи;
- ички ва ташқи товон юқорисидаги дўмбоқлар ҳолатини аниқлаш учун болдир суякларининг товон билан бирлашган жойини;
- икки ўмров суягининг курак ва елка суяклари билан бирлашган жойини;
- тирсак бўғими жойлашувини аниқлаш учун елка суягининг билак ва тирсак суяклари билан бирлашган жойини;
- билак ва тирсак суякларининг қўл кафти (кафт усти суяги) билан бирлашган жойини аниқлаш лозим.

Чизматасвир ишлашда бу жойлар мўлжал вазифасини ўтайди. Қомат қисмларини ишлашга киришилганда белгилар ўчирилади.

Анатомик қомат чизматасвирини ишлашни оёқдан ҳам бошлаш мумкин.

Маҳоратнинг зарур даражасига етгандан кейин улар кейинги босқичга, тирик моделлардан чизишга ўтишган. Уларнинг кўпи соялаштириш ва моделлаштириш ташвишини қилаётгандек туюларди, ва кўпинча бутун фигурани кузатиш амалга ошмаган. Кейинчалик у ерда таълим берувчилар ўз талабаларига фигурани қисмларга бўлиб эмас, яхлит кўра олиш маҳоратини ўргатганлар. Улар академик таълим эмас, махсус тайёргарлик берганлар.

Ҳозирда, биз образлар ва таъсирлар билан юкланган ахборотлар асрида ҳали ҳам чинакам мавжуд далилга академик тайёргарлик зарурми. Биз ҳис қиламизки, рассом учун ҳали ҳам қаламни қоғозга қўйгандан кўра каттароқ лаззатланиш йўқ.<sup>11</sup>

### **Мавзуда пешона, калла, ёнок ва ияк суякларига ишлов бериш.**

Бошнинг ўрта чизиғи ҳолати, бурилиши ён томонга егилишини аниқлаб қоғоз текислигига жойлаштириш. Бош тасвирини текисликка жойлаб, юз қисмларининг асосий ўлчамлари; жағдан пешона дўнглигига, қошдан буруннинг пастигача, бурун асосидан жағгача бўлган ўлчамлар белгиланади. Кўз чуқурчасини ўрни, қошнинг тепа ёйи, яноқ суягининг чеккалари, кулоқ чуқурчалари ва бошқалар кўрсатилади.

Юз қисмидаги бурун, лаб, яноқ суяклари, жағнинг юқори ва пастки ўлчамлари, бошнинг вертикал чизиғига нисбатан бурилишига боғлиқ бўлиб қисмлари перспектив қисқаради. Буларни натурадан синчиклаб кузатганимизда биринси ва орқа пландагиларни чизиқлар ёрдамида

---

<sup>11</sup> James Lancel McElhinney “Classical life drawing studio, lessons and teaching in the Art of figure drawing” – 2007, 15 p

аниқлаймиз. Горизонтал чизиғи пастда бўлса; бурун, яноқ, пешона, жағларнинг вертикал текисликдаги қисқаришини кўрамиз.

Шунинг билан бирга жағнинг пастки қисми, бурун асоси, кўзнинг юқори қисми горизонтал текислиги катталашади. Бош пастга егилган бўлса юқоридагиларнинг акси ҳолатини кузатамиз. Бошни чизиқли қуришдан кейин шаклларга ранг берилади. Ранг беришда енг қорамтир қисмидан бошланади ва тус нисбатларини сақлаган ҳолда енгил давом эттирилади. Ёритиш манбасига яқин шакллар сояси тўқроқ, узоқдагилари эса бироз хирароқ кўринишда бўлади.

Натурадан рангда тасвирлаш жараёни ўз қонун қоидаларига эга ишнинг бошланиш қисмида нималар қилиш, ўртасида қайси масалалрни ҳал этиш ва охираб қолганда уни қандай яқунлаш кераклигини билиш зарурдир. Рангтасвирда қуйидаги асосий масалаларни ҳал этиш зарур:

- умумий тус ва ранг ҳолатдари ва натура бўёқларининг бирига яқинлигидаги тус ва ранг муносабатларини топа билиш;
- катта ранг-тусли муносабатлар чегарасидаги ранг-тусларнинг “чўзилиши”, алоҳида буюмларнинг ҳажмли шаклларининг батафсил рангли қайта ишланиши;
- бутун тасвирнинг умумийлиги, яхлитлиги ҳамда композиция марказини кўрсата билиш.

**Қўл ва оёқ чизматасвири.** Чизматасвирда инсон қоматини ва бошни хусусан ўрганиш билан бир қаторда, қўл ва оёқ панжалари чизматасвирини ўрганиш ҳам назарда тутилади.

Қўл ва оёқ панжалари мураккаб шаклдан иборат, уларнинг маълум маънода ички суяк ва мускаллар қурилмасини билмай туриб, ташқи кўринишини, шаклини тушуниб бўлмайди. Шунинг учун натурани жонли оёқлардан тқрли ҳолатда чизиш билан бирга, қўл ва оёқ панжалари суякларидан, шунингдек уларнинг мускул қопламларидан ҳомаки чизмалар бажарилади.

Аммо бу қисмларнинг яхши тасвирини бериш етарли эмас, уларнинг алоҳида хусусиятлари, бетакрор мутаносиблиги, ёш, касб ва бошқа бир қатор сабаблар ўз изини қолдирган шаклларни ифодалаш зарур.

Ўнг қўлнинг кўрсаткич бармоғи шакли тасвиридаги айрим тарқоқликни чизматасвирнинг камчилиги дейиш мумкин. Қўл панжалари фақат ҳар хил вазиятда ҳомаки ишланган.

Оёқ панжалари ва уларнинг мушаклари ўзининг умумий гуруҳида қўл панжаларини эслатади, шунинг учун уларни ўрганиш методикаси бир хил. Бу ерда ҳам унинг анатомик қурилмасини ўрганиш натурадан ишлаш билан мустаҳкамланиши зарур. Натурадан чизиш эса анатомиядан олинган амалий билимлар билан мустаҳкамланади. Қўл ва оёқ панжаларининг бир-бирига ўхшашлиги сабабли уларни бир постановкада бериш мумкин.

**8-Мавзу. Эркак кишининг либоссиз қомати (орқа тарафидан тасвири, анатомик тахлили билан, кекса чайир киши, конструктив ечимда, шартли чизма суний ёруғликда)**

**Режа**

- 1. Одам қоматини конструктив қурилмаси.**
- 2. Қомат тасвири**
- 3. Яланғоч қомат пропорцияси**
- 4. Умумлаштириш.**

**Одам қоматини конструктив қурилмаси.** Бир неча ўнлаб қораламалар ишланиб, талабалар ўзлари танлаган нуқтадан иш бошлашиб, постановкани чиройли, қонун – қоидалар асосида жойлаштириб, енгил чизиқлар ёрдамида қоматни қуришга киришишади. Қоматни конструкцияга асослани қуришни давом эттиришади. Яъни натуранинг характерли умумий кўринишининг конструкцияси, қоматнинг кўзга кўринмайдиган орқа томонлари билан кўрсатиш вазифаси туради. Ҳавда қисмларининг схематик

кўринишлари булар барчаси қоматни тўғри тасвирлаш асосини ташкил этади..

Италия Уйғониш даврида узоқ сеансли ишланган, аниқ чегараланган рангтасвир ва тез ишланган қоралама тушунчаларини учратамиз. Бу чизма тасвирларнинг ҳар бир тури алоҳида мақсад ва вазифаларга эга. Зеро, Жорж Вазари шундай ёзади: “Перо, қалам ёки бошқа ашёларда енгил, тез чизилган, тасвирларни қоралама деб аташ мумкин”. Бундан сўнг биз, қоралама атамасини чизматасвирнинг бирламчи тури, бошланғич босқичи, яъни қомат ҳолатининг жойлашиши асарнинг дастлабки композициясини топиш учун, (бўлғуси асарни) дастлабки кўринишини фарқлашга хизмат қилади деб биламиз. Рассом илҳомидан қисқа вақт мобайнида перо, ёки бошқа чизиш ашёларида бажарилган ва ўз (рассом) фикри, тафаккури тўғрилигини таққослаш, текшириш мақсадида чизилган тақдирда – у қоралама деб аталади”.<sup>12</sup>

Шундай қилиб қораламанинг асосий мақсади: “қоматнинг ҳолати” ва “яхлитлик”(умумлаштириш), ҳақида фикрлаб, предмет характерини, ташқи дунё билан боғлаш вазифасини ўтайди. Кейинги барча юз йилликда ва бизнинг ҳозирги кунгача қоралама “илҳом вақти”да рассомлар томонидан бажарилиб келинади. Улар эмоция, образлар орқали тез чизилган тасвирларда аниқланади.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, кейинги асрларда, бадий Академияларда ранг тасвир ва композициядан ажралган ҳолда чизма тасвир дарслари, алоҳида ўрганилган бўлса, уйғониш даври (айниқса эрта уйғониш даври) рассомлари устахоналарида бўлғуси усталар чизма тасвирни, бевосита композиция ишлари билан биргаликда бажарганлар. Шу сабабли, уйғониш даври рассомлари чизматасвирларини тўлиқ тугалланмаган ҳолда учратамиз.

---

<sup>12</sup> Варнеке Б.В. Плиний об искусстве. Одесса. 1918. С.51.

**Қомат тасвири.** Композиция тузилишида фас (олдидан) кўриниши ёки ён томондан кўринишига қараб қоғоз юзаси марказига, ёки марказдан четроқда жойлаштириш мумкин.

Ҳомаки тасвирда топилган композицияси варианти асосий қоғозга кўчирилади ва бошқа ўзгартирилмайди, фақат шакл нисбатларини аниқлаш каби вазифалар амалга оширилади.

Композиция жойлашуви қоғоз текислигида ортиқча катталашган ёки кичиклаштирилган ҳолатда бўлмаслиги керак. Чунки қиёфанинг ўқилиши ва образига путур етказилади.

Навбатдаги вазифа – ўқ чизиғини аниқлаш бўлиб, бунда елка суяклари орасидаги нуқтадан тос суяги орқали тизза чиғонағи юқори қисмидан тўғри чизиқ чизиб ҳосил қилинади. Бундай аниқланган ўқ чизиғи қиёфанинг тик ҳолатидан унинг ағдарилиб кетмаслигини, оғирликни тўғри тақсимлаш каби жиҳатларини таъминлайди.

Қиёфани олди томондан, фасдан чизилаётган бўлса, ўқ чизиғини аниқлаш осон. Агар тўртдан уч қисми ёки профил кўринишда бўлса бирмунча қийин туғдиради. Чунки қиёфада перспектива ва шакллар ўзгариши ҳосил бўлади.

Чизматасвирда қиёфа қизиқарли ва жозибали бўлиши учун горизонт чизиғи қиёфанинг пастроғидан ўтган ҳолатида ҳосил бўлади. антик ҳайкаллар маҳобатлилиқ характерга эга. Шунинг учун ҳам қиёфага пастрокдан қарашда унинг характерли томони янада очилади.

Дастур бўйича бажара бориб талаба портрет билан рўбару келиши биринчи марта эмас. Аслига ўхшаш бўлиши лозимлиги, уни тўғри талқин этиш кераклиги топшириқнинг алоҳида аҳамиятини белгилайди. Бу топшириқда гипсли бош ва бош суяги, бошнеинг турли табиий ҳолатлари, қўллар тасвирларидан аввал бажарилган машқлар яхлит бир кўринишга келтирилади. Агар аввалги топшириқларни бажариш асосида талаба қўллар билан портрет ишлашга етарли тайёрланган бўлса, у портретни ўхшатибгина

қолмасдан, портретда тасвирланаётган шахснинг рухий хусусиятини ҳам бериши лозим.

Имкони борича натурачилардан иборат портрет учун шахсий хусусиятлари билан ёрқин ажралиб турадигани танланади. У ёки бу мутахассисликка мос келувчи ҳолат андозаси яратилади. Бунинг учун пастановкада турли тасвир ашёлари ва қуролларидан фойдаланилади.

Портретда юзни бироз баланроқдан ёритган маъқул, шунда бутун чекинаётган юзалар (планлар) яхши тасвирга тушади. Натура ортидаги маконнинг чуқурлиги жиҳатидан чегаралаб андозага яқинлаштириш мумкин. Портрет топшириқлари йилнинг ёруғ фаслларига тўғри келса уларни кундузги табиий ёруғда бажариш мумкин, аммо ўта ёйилиб кетган ёруғликдан сақланган маъқул.

**Яланғоч қомат пропорцияси.** Жонли инсон қоматни ўрганишни содда ва аниқ ўқув топшириқлар - постановкалардан бошлаш зарур, уларда тананинг қисмлари ва пластикаси аниқ кўриниб туриши талаб этилади. Оддий ҳаракат ҳолатларини ўрганиш учун постановкаларни танани қатъий буриш, кучли ракурсларда қўйиб чизишни машқ қилиш яхши самара беради.

Тасвирни постановканинг юқори ва пастки чегарани белгилаб олгач, ер, пол, тағлик кабиларга нисбатан асоснинг горизонти ва юзаси аниқлангандан кейин бошлаш лозим. Агар натурачи бир оёғига таяниб турган бўлса, унда ўқ чизик билан унинг ҳаракат чизиғи хусусиятини аниқлаб олинади. Андоза таяниб турган оёқ ҳолатига нисбатан вертикал тик чизик ўтказилади, тос эгилувчанлиги белгиланади, сўнгра тана, бел, бўйин ва бошнинг умумий эгилувчанлиги аниқланади. Умуртқа суяклари ўртаси чуқурлигидан таянч оёқ товонига қадар вертикал тик чизик ўтказиб тананинг таянч маркази аниқланади.

Тус ёрдамида пластик шаклнинг моддийлиги ва қомат қисмларининг маконий теранлиги ифодаланади ҳамда сояларни дарҳол бериш лозим. Аммо бунда ёруғ-соя тўхтамининг мувофиқлиги, қисмлар ёритилишининг аста

кучсизланиши, ёруғликни бўлиб турувчи чизик кабиларни доимо кузатиб бориш зарур.

Шаклнинг ҳажмийлигини очиб беришда фон – муҳитдаги асосий ранг катта аҳамиятга эга, хусусан фоннинг шаклдаги ёритилган ва соялаштирилган қисмлар билан уйғунлашувини кузатиш айниқса муҳимдир. Тасвирда пластик шаклни берувчи иккита ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдирувчи восита сифатидаги чизик ва тусни аниқ тушуниб олиш зарур. Ишлаш жараёнида гипс ва анатомик атласлардан олинган чизмаларга, ушбу андоза хислатини ҳисобга олиб, бу скелетни мушаклар билан “кийинтириш” мақсадга мувофиқ бўлади.

Натурани таҳлил қилиш ва аниқ ифодалаш – либоссиз қоматни ўрганишдаги дастлабки постановкаларнинг асосий вазифасидир.

Тасвирда тегишли юзада композиция жиҳатдан яхши жойлаштирилган қоматни кўриш мумкин, ҳаракат тўғри белгиланган, андозанинг мутаносблиги ва шакли аниқ, елка айланаси яхши ишланган.

**Умумлаштириш.** Ишнинг якуний қисми – яхлитлаш, яъни майда деталларнинг бир бутунликка бўйсундиришдир. Бу ишда асосий бўлақларнинг тус ечимига эътибор бериш керак. Агар ола була чипорлик яхлитликка ҳалақт берса уларга ишлов бериш керак. Натурани яхлик кўринишга ҳалақт бераётган ҳар бир бўлақни ўз жойига қўйиш керак. Агар шундай қилмасак, қўшимча деталлар асосий объектдан чалғитиб, диққатни тортади, яхлитликни бузади. Агар рассом яхлик кўришни ўрганган бўлса, тасвирни оқилона бажаради. Бу босқичда гавда силуетига ҳам эътиборни кучайтириш даркор.

Тасвирда жуда нозик тус фақини сақлаб қолиш керак. Силуетнинг баъзи жойларининг кучайтириб (чизик орқали) баъзи жойларни фон билан қўшиб юбориш керак. Қўйилмада нимани бўрттириб (чизиб) нимани фонга яқин тусда бирлаштириб юборилишини ҳал этиш зарур. Буни натурага яхлит қараганда ажратиб олиш мумкин.

Шундан сўнг гавданинг тўғри конструктив қурилмасига эга бўлиш мумкин. Нихоят, портрети ишланаётган одамнинг ички психологиясини очишга ҳам уриниб қўриш мумкин. Бу нарсага деталларни яхлитлаб асосий характерли жойларини бўрттириш билан эришиш мумкин.

Портрет чизмаси портретни яратиш учун қалам тасвирга алоҳида аҳамият бериш зарур, қалам тасвир портрет яратишнинг фундаменти ҳисобланади. Ўйламангки портретни бошқа нарсалардан кўра тезроқ ва осон тугатасиз. Бошқа чизматасвирлар каби портретнинг характери массасига эътибор беришингиз керак.

Портрети композитсия яратишдан олдин компоновкасини яхшилаб ўйлаб кўринг Сизга керакли бўлган деталларни олиб кераксизларини компоновкада тасвирламанг. Веласкасни кичкина асарларини кўриб ўзиз шунга гумон бўласиз.<sup>13</sup>

---

<sup>13</sup> Daniel Burleigh Parkhers- The Painter In Oil/ 120b